
БУНЁДҚОРЛИК: МФЙЛАР УЧУН ЯНГИ БИНОЛАР ҚУРИЛМОҚДА

Бугун юртимизда маҳалла институти халқчил тузилма сифатида шаклланиб, амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлардаги фаол иштироки билан жамиятимиз ҳаётида мустаҳкам ўрин эгалламоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 3 февралдаги “Маҳалла институти янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони бу борадаги саъй-ҳаракатларга янгича куч бағишлади.

Мазкур ҳужжатда маҳалла институти янада ривожлантириш билан боғлиқ қатор долзарб вазифалар белгилаб берилган бўлиб, айтиш жоизки унинг ижроси бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, фармон асосида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти самарадорлигини ошириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигини янада юксалтириш, фуқаролар йиғинлари идоралари биноларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш, уларни зарур мебель жамланмаси, компьютер техникаси, алоқа воситалари ва интернет тармоқлари билан жиҳозлаш ишлари изчил давом эттириляпти.

Маҳаллаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, улар фаолиятига замонавий ахборот ва рақамли технологияларни жорий этиш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, туманимиздаги МФЙ идоралари учун янги бинолар қуриш, мавжудларини таъмирлаш, тизимда фаолият кўрсатаётган ходимлар учун муносиб шарт-шароитлар яратишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Бугунги кунда туманимиздаги бир қатор маҳалла фуқаролар йиғинлари, хусусан, Абдуллабаён, Полвонобод, Амиробод, Сухобод ва Бужай МФЙларида давлат хусусий шерикчилик асосида МФЙ бинолари қурилмоқда. Уларнинг айримлар мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

Куни кеча туманидаги “Носгар”, “Анхорбўйи”, “Жалаер” ва “Гузар” маҳалла фуқаролар йиғинларига “Асакабанк” АЖ Фарғона филиали хомийлигида компьютер жамламалари топширилди.

2022-08-10 14:23:14